



**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ)
ВА
АДАМ МИЦКЕВИЧ УНИВЕРСИТЕТИ, ПОЗНАНЬ
(ПОЛЬША РЕСПУБЛИКАСИ)
ЎРТАСИДА
ҲАМКОРЛИК КЕЛИШУВИ**

Мазкур Ҳамкорлик келишуви 2021 йил июнь ойининг “7” куни бир томондан Тошкент давлат юридик университети (кейинги ўринларда – ТДЮУ) номидан ректор Проф. Ҳакимов Раҳим Расулжонович ва иккинчи томондан Адам Мицкевич номли университети (кейинги ўринларда – АМУ) номидан Ректор Проф. Богумила Каневская ҳамда университет Бурсари Агниешка Палач, биргалиқда “Томонлар” деб юритилади, мазкур Ҳамкорлик келишуви (кейинги ўринларда – Келишув) доирасида қуидагилар ҳақида келишди:

**1-модда
Келишув мавзуси**

Томонлар ҳар иккала университет ўртасида илмий-тадқиқот алоқаларини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик қилиш, ходимлар ва талабалар алмашинув дастурларини ривожлантириш, ёзги курслар ва бошқа дастурларни ташкил этиш орқали ҳамкорлик шаклларини кенгайтиришга келишиб олди.

**2-модда
Ҳамкорлик йўналишлари**

Томонлар қуидагиларга келишди:

1. иккала университет вакиллари томонидан тажриба алмашиш, маслаҳат ва ўзаро ташрифларни ташкил этиш ҳамда маъruzalар ўқиши;
2. ёш илмий изланувчилар томонидан ўтказиладиган конференция ва симпозиумларда иштирок этиши;
3. ёш олимлар томонидан олиб бориладиган тадқиқотларга кўмаклашиш;
4. қўшма таълим дастурларини жорий этиши;
5. профессор-ўқитувчи ва талабалар алмашинувини йўлга қўйиш;
6. нашрлар ва илмий маълумотлар алмашинувида ҳамкорлик қилиш.

3-модда **Молиявий келишув**

Ҳар бир Томон келишилган ҳамкорлик дастурлари доирасида ўз талабалари ёки профессор-ўқитувчиларининг харажатларини тўлайди, агар муайян дастур бўйича бошқача тартиб Томонлар ўртасида келишилган бўлмаса.

4-модда **Академик алмашинув тартиби**

Мазкур Келишув асосида ташриф буюраётган барча профессор-ўқитувчи ва талабалар қабул қилувчи университетнинг амалдаги қоидалари ва Низомини ҳисобга олган ҳолда қабул қилувчи университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари учун белгиланган барча хукуқларга эга ҳисобланади, тиббий сугурта бундан мустасно.

Ташриф буюрувчи профессор-ўқитувчи ва талабалар тиббий харажатлар ва тасодифий ҳодисаларнинг оқибатларини қопладиган тегишли сугурта таъминоти харажатлари учун жавобгардир. Юқоридаги жумлада қайд этилган тартиб Томонларнинг бундай суғуртани ўз ҳисобидан амалга ошириш хукукини истисно этмайди.

5-модда **Ўзгартириш киритиш**

Томонларнинг ҳамкорлиги доирасида индивидуал фаолият ва ёзма равиша тузиладиган ҳар бир ҳамкорлик дастури ҳар қайси Томоннинг ваколатли вакили тарафидан тасдиқланиши керак. АМУ томонидан бундай ҳамкорлик дастури Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор тарафидан ва ТДЮ томонидан эса Халқаро ҳамкорлик ва узлуксиз таълим бўйича проректор тарафидан тасдиқланиши керак.

6-модда **Келишувнинг амал қилиш муддати**

Мазкур Келишув имзоланган кундан бошлаб беш (5) йил муддатга тузилган ҳисобланади ва ҳар бир Томон тарафидан ёзма равиша тасдиқланган ҳолда кейинги 5 йиллик муддатга узайтирилиши мумкин. Келишувга ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар факат Томонларнинг ўзаро ёзма келишув асосида киритилиши мумкин. Ўн икки ойлик огоҳлантириш муддати давридан кейин бекор қилиш тўғрисида хабар юборган Томон Келишувни бекор қилиши мумкин.

7-модда **Бошқа қоидалар**

Мазкур Келишув икки нусхада, бир хил юридик кучга эга бўлган уч тилда, яъни ўзбек, поляк ва инглиз тилларида, ҳар бир Томон учун биттадан нусхада тузилган. Ҳар икка нусха ҳам бир хил юридик кучга эга.

8-модда
Мувофикалаштириш

Ҳар бир муассаса мазкур Келишув амалга оширилиши учун масъул бўлган умумий координаторни тайинлашга розилик беради. Ушбу координаторлар алоқанинг узлуксиз оқимини таъминлади ҳамда талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви, дастурлар ва бошқалар учун зарур бўлган келишув ва розилик олинишини таъминлаш учун жавобгардир. Ушбу координаторлар Келишувнинг самарадорлиги ва бажарилишини таъминлаш учун жавобгардир. Томон ўзининг алоқа манзили ёки воситалари ўзгарган тақдирда бошқа Томонни тегишли тарзда хабардор қилиши керак. ТДЮУ координатори Халқаро ҳамкорлик бошқармаси бошлиғи Ойбек Яқубов (inter@tsul.uz) ва АМУ координатори Халқаро марказ мутахассиси Константин Мазур (kostiantyn.mazur@amu.edu.pl).

9-модда
Келишувнинг кучга кириши

Мазкур Келишув имзолангандан сўнг кучга киради.

**АДАМ МИЦКЕВИЧ
УНИВЕРСИТЕТИ**

Проф. Богумила Каневска
Ректор
Адам Мицкевич университети
Познань, Польша

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК
УНИВЕРСИТЕТИ**

Проф. Хакимов Раҳим Расулжонович
Ректор
Тошкент давлат юридик университети
Тошкент, Ўзбекистон

Агниешка Палач
Бурсар
Адам Мицкевич университети
Познань, Польша